

КУНЖУТ НАВЛАРИНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИК ТИЗИМИ

Бекбанов Бисенбай Артепович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг
лаборатория мудири.

Мамбетназаров Амангелди Бисенбаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Самарқанд ветеринария
медицина институти Нукус филиали доценти.

Отеулиев Жаксылық

қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, Бердах номидаги
Қорақалпоқ давлат университети доценти.

Аннотация: Мақолада кунжутнинг ҳар хил навларини синаб кўриш орқали, минтақамиз шароитига мос навларни танлаб, ўнинг уруғчилик ишларини йўлга қўйиш борасида изланишлар олиб борилган. Биринчи йилги авлодларни синаш кучатзорида, ўсимликларни тулиқ гуллаш ва ҳосил тугиш фазаларида икки мартаба куриқдан утказилиб, навга хос бўлмаган аралашмалардан тозаланиб, қолган тоза ўсимликлардан уруғлик ҳосил йиғиб олинди. Ўсимликнинг туп қалинлиги, 1000 дон дон вазни, бир ўсимликдаги кусак ва донлар сони кўп бўлган навлар, юқори ҳосилни таъминлади. Дала кўриги ва лаборатория таҳлили натижасида 35.4 % ўсимлик чиқитга чиқарилиб, 64.6 % ўсимликда 100 %-лик нав тозалигига эришилди.

Калит сўзлар: кунжут, нав, уруғчилик, дон, донни йириклиги, 1000 дон дон вазни, ҳосил, дон таркибидаги мой миқдори, минтақа, экстремал шароит

Кириш. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, деҳқончилик талабларига мос келадиган серҳосил нав ва дурагайлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, долзарб масалалардан ҳисобланади.

Минтақа учун навни тўғри танлаш, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини беради. Бугунги кунда республикамизнинг барча майдонларида бошоқли дон, дуккакли дон, ем-хашак ва мойли экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, аҳолининг нон ва ун маҳсулотларига, оқсилга бой дуккакли дон ва сифатли мой маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Шу боис, мойли экинлар етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш, нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам самарали ва фойдали ҳисобланади. Шундагина озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпа йиши ҳисобига, аҳолининг ёғ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, экспорт салоҳияти ҳам оширилиши таъминланади, ёғ-мой кархоналариинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошади. Натижада аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, ва бу уз навбатида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Кунжут – муҳим мойли экинлардан бири булиб, мойли экинлар орасида, ўруғининг мойдорлиги бўйича биринчи ўринда тўради. Кунжут мойи ўта юқори сифатли, диетик ҳусусиятларга эга булиб, кенг миқёсда озиқ -овқат таёрлашда фойдаланилади. Уруғининг таркибида 55 - 60 % гача мой бўлади.

Дуниёда кенг тарқалган мойли экинлар: соя, кунгабоқар, кунжут, махсар, мойли зиғир катта майдонларда экилмоқда. Мойли экинлар АҚШ, Канада, Ҳиндистон, Бразилия, Аргентина, Хитой, Покистон, Россия, Украинада кенг тарқалган. Ўзбекистонда мойли экинлардан махсар, кунгабоқар, кунжут, ерёнғоқ, мойли зиғир ва соя куплаб экилади.

Мойли экинлар етиштириш кўламини кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш, нафақат иқтисодий, балки экологик жиҳатдан ҳам самарали ва фойдали ҳисобланади. Шундагина озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши ҳисобига, аҳолининг ёғ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, экспорт салоҳияти ҳам оширилиши таъминланади, ёғ-мой кархоналариинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошади. Натижада аҳолининг турмуш даражаси яхшиланади, ва бу уз навбатида озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Материаллар ва услублар. Кунжутнинг маҳаллий навларининг уруғчилик тизимини йўлга қўйиш мақсадида, Тошкент-122, Садаф, Хива ва Қора шаҳзода навларини уруғчилик тизими урганилди. Уруғликлар экишдан 20-25 кун олдин зараркунандалар ва касалликларга қарши фунгицид билан дориланди. Уруғ сифатини аниқлашда, унинг тозаллиги, унувчанлиги, намлиги, 1000 донасининг оғирлиги ва бошқа да курсаткишлари ҳисобга олинди. Биринчи йилги авлодларни синаш кучатзорида ҳарбир нав бўйича 160 та-дан ўсимлик экилди. Ўсимликлар тулиқ гуллаш ва ҳосил тугиш фазаларида икки маротаба куриқдан утказилиб, навга хос бўлмаган аралашмалардан тозаланди. Қолган тоза ўсимликлардан уруғлик ҳосил йиғиб олинди.

Май ойининг 14 санасида ер ҳайдалиб, текисланди. Экиш қатор ораси 60 см ва 90 см этиб, икки хил схемада 15-май куни қўлда амалга оширилди, яъни бир гектар майдонда 200 минг туп қалинликни таъминлаш ҳисобга олинди. Кузатишлар ва биометрик ўлчовлар тоқ қайтариқларда модел ўсимликларда олиб борилди. Фенологик кузатишлар Кишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат инспекцияси услуби бўйича ўтказилди (1989).

Натижалар ва мунозара. Кунжут навларининг 1-сентябр ҳолатини кўздан кечирганимизда, бўйга ўсиш бўйича навлар орасида унча катта фарх кузатилмади, ўсимликларнинг бўйи 104-115 см оралиғида бўлди. Бўйга ўсиш бўйича Тошкент-122 нави бошқалардан баланд бўлиб, уртача 115 см-ни ташкил этди.

Биринчи йилги авлодларни синаш кўчатзорида экилган оилаларни кўрик натижалари

№	Нав номи	Гуллаш дати бўйича	Морфологик иллари бўйича	Ривожлан ишдан орқада қолган	Ҳосилдор лиги бўйича
1	Қора шаҳзода	18	16	11	14
2	Садаф	20	17	11	10
3	Хива	17	12	7	16
4	Тошкент-122	19	18	7	14

Биринчи йил авлодларни синаш кўчатзорида, гуллаш ва кусак тугиш фазасида ўсимликларнинг кўриниши, гуллаш муддати, кусакларнинг ранги ва формаси, барглари раанги ҳамда бошқа кўрсаткичлари бўйича атрофлича баҳоланди.

Қора шаҳзода навидан гуллаш муддати бўйича 18 та ўсимлик ва морфобиологик белгилари бўйича 16 та, ҳосилдорлик бўйича 14 та, ривожланишдан орқада қолган 11 та, жами 59 та ўсимлик, ёки 36,4 фоиз, Садаф навидан гуллаш муддати бўйича 20 та, морфологиялиқ белгилари бўйича 17 та ва ҳосилдорлик бўйича 10 та ўсимлик, ривожланишдан орқада қолган 11 та, жами 58 та, ёки 35,1 фоиз, Хива навидан гуллаш муддати бўйича 17 та, морфобиологик белгилари бўйича 12 та, ҳосилдорлик бўйича 16 та, ривожланишдан орқада қолган 7 та жами 52 та, ёки 28,6 фоиз, Тошкент-122 навидан гуллаш муддати бўйича 19, морфологик белгилари бўйича 18 та, ҳосилдорлик бўйича 14 та, ривожланишдан орқада қолган 7 та ўсимлик, ялпи 58

ўсимлик, яъни 31,5 фоиз яроқсиз деб топилиб, тажриба майдонидан ўриб чиқариб ташланди.

Дала кўригидан кейин олинган уруғлар, лаборатория таҳлилидан ўтказилди. Лаборатория таҳлили натижасида, навдор ўсимликлардан келгуси йил учун ҳосил йиғиб олинди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аманов А.А., Анорбаев И.У., Идиатуллина Д.Д. Мойли экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича тавсиялар. Тошкент, 2017, 6 б.

2. Ёрматова Д. Мойли экинлар. Тошкент, 2004 й.

3. Қозубаев Ш., Турабходжаева М., Турсунов Т. Уруғчиликда стандартларни ишлаб чиқишнинг мақсади ва уларнинг вазифалари. //Агро илм 2018, 5(55) сон, 116 б.

4. Турабходжаева М., Қозубаев Ш.С., Абдувоҳидов Г.Х. Уруғлар сифатини халқаро стандарт талаблари билан уйғинлаштириш – долзарб масалалардан бири. //Агро илм. 2018, 4(54) сон, 5 б.